

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

X U K M
Protected by PDF Anti-Copy Free

2021 йил август ойининг 25 кунда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ж.М.Раупов судья ёрдамчиси Ш.Суванқулованинг котибалигида, тарафларда Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси Ж.Авазхонов, судланувчи

га оид 1-1401-2103/508 -сонли жиноят ишни кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

1969 йил 17 май куни Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, вақтинча ишсиз, депутатликка сайланмаган, партиясиз, муқаддам; 1. Самарқанд вилоят судининг 1998 йил 11 март кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми “а” банди, 205-моддаси 2-қисми “а” банди ва 209-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 14 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармони 6-бандига асосан тайинланган жазо 4/1 қисмига қисқартирилган; 2. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар Боғишамол туман судининг 2000 йил 11 февраль кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси ва 209-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси ва 59-моддасининг 4-қисми тартибида 14 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 7 августдаги, 1998 йил 1 декабрдаги, 1999 йил 30 апрелдаги “амнистия тўғрисида”ги Фармонларига асосан ўталмай қолган жазо муддати $\frac{1}{4}$ қисмига қисқартирилган, жазони тўлиқ ўтаган; 3. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 19 сентябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди



билан ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоиз давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 4. жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 11.09.2018 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 60-моддасига асосан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдори давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда муҳлат билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 09.12.2020 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 11 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, [REDACTED]

[REDACTED] иш бўйича “қамоқ” эҳтиёт чораси қўлланилган ва 2021 йил 3 март кунидан бошлаб ҳибсда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 1 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи [REDACTED] хавфли рецидивист бўла туриб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, “Тахмина Жасмина Build Service” МЧЖ директори жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан бир гуруҳ бўлиб, 2017 йил январь ойидан 2017 йил сентябрь ойига қадар бўлган вақт оралиғида, [REDACTED] ни ишончига кириб, ўзини ғишт заводи раҳбари эканлигини айтиб таништириб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, Самарқанд шаҳар Саттепо масканида жойлашган кўп қаватли янги уйлар қурилишига ғишт етказиб беришлигини, мазкур уйларни қурувчилари етказиб берилган ғиштларнинг пули эвазига, қурилаётган янги уйлардан хонадон бериб тўловни амалга оширишларини айтиб, унга баҳоси 322.400.000 сўм бўлган шундай уйлардан бирини олиб беришлигини ваъда қилиб, [REDACTED] жами бўлиб 184.400.000 сўм миқдоридаги пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, унга ваъда қилган уйни олиб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритган пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.



Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хавfli рецидивист бўла туриб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани такроран қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил август ойида таниши [REDACTED] ни ишончига кириб, ўзини ғишт заводи раҳбари эканлигини айтиб таништириб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, Самарқанд шаҳри [REDACTED] жуда жойлашган кўп қаватли янги уйлар қурилишига ғишт [REDACTED] беришлигини, мазкур уйларни қурувчилари етказиб берилган ғиштларнинг пули эвазига, қурилаётган янги уйлардан хонадон бериб тўловни амалга оширишларини айтиб, унга шундай уйлардан бирини олиб беришлигини ваъда қилиб, [REDACTED] жами Ўзбекистон Республикаси сўм пул бирлигида 46.182.510 сўмни ташкил қилувчи 4.500 АҚШ доллари ва 4.000.000 сўм миқдордаги пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, унга ваъда қилган уйни олиб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритган пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Шунингдек, [REDACTED], ўзининг содир этган жиноий қилмишлари учун жазосиз қолаётганлигини ҳис этиб, ўзининг жиноий ҳатти-ҳаракатларини давом эттириб, хавfli рецидивист бўла туриб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани такроран қўлга киритиш мақсадида, “Селхозтехника” МЧЖ иш бошқарувчиси жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан бир гуруҳ бўлиб, 2017 йил июнь ойидан 2017 йил сентябрь ойига қадар бўлган вақт оралиғида, [REDACTED] ни ишончига кириб, ўзини ғишт заводи раҳбари эканлигини айтиб таништириб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, Самарқанд шаҳар Нарпай кўчасида жойлашган кўп қаватли янги уйлар қурилишига ғишт етказиб беришлигини, мазкур уйларни қурувчилари етказиб берилган ғиштларнинг пули эвазига, қурилаётган янги уйлардан хонадон бериб тўловни амалга оширишларини айтиб, унга баҳоси 322.270.000 сўм ва 232.000.000 сўм бўлган уйлардан иккитасини олиб беришлигини ваъда қилиб, [REDACTED] дан Ўзбекистон Республикаси сўм пул бирлигида 149.238.760 сўмни ташкил қилувчи 18.500 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, унга ваъда қилган уйни олиб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритган пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Шу каби, [REDACTED], ўзининг содир этган жиноий қилмишлари учун жазосиз қолаётганлигини ҳис этиб, ўзининг жиноий ҳатти-ҳаракатларини давом эттириб, хавfli рецидивист бўла туриб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани такроран қўлга киритиш мақсадида, “Селхозтехника” МЧЖ иш бошқарувчиси жиноят иши алоҳида иш



юритувига ажратилган шахс билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, 2017 йил июль ойида [REDACTED] ни ишончига кириб, ўзини ғишт заводи раҳбари эканлигини айтиб таништириб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, [REDACTED] кўчасида жойлашган кўп қаватли янги уйлар қурилишига ғишт етказиб беришлигини, мазкур уйларни қурувчилари етказиб берилган ғиштларнинг пули эвазига, қуриладиган янги уйлардан хонадон бериб тўловни амалга оширишларини айтиб, унга баҳоси 361.050.000 сўм бўлган уйлардан биттасини олиб беришлигини ваъда қилиб, [REDACTED] дан Ўзбекистон Республикаси сўм пул бирлигида 54.950.130 сўмни ташкил қилувчи 13.500 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, унга ваъда қилган уйни олиб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритган пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Шу билан биргаликда, [REDACTED], хавфли рецидивист бўла туриб, ўзининг содир этган жиноий қилмишлари учун жазосиз қолаётганлигини ҳис этиб, ўзининг жиноий ҳатти-ҳаракатларини давом эттириб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани такроран қўлга киритиш мақсадида, "Next Construction" МЧЖ директори жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2017 йил 13 ноябрь кунидан 2018 йил 26 декабрь кунига қадар фуқаро [REDACTED] ни ишончига кириб, ўзини ғишт заводи раҳбари эканлигини айтиб таништириб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, Самарқанд шаҳар Рудакий кўчасида жойлашган кўп қаватли янги уйлар қурилишига ғишт етказиб беришлигини, мазкур уйларни қурувчилари етказиб берилган ғиштларнинг пули эвазига, қуриладиган янги уйлардан хонадон бериб тўловни амалга оширишларини айтиб, унга ушбу кўчада жойлашган 175-сонли кўп қаватли уйдан баҳоси Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасида 105.912.285 сўмга тенг 12.700 АҚШ доллари бўлган бир хонали хонадон олиб беришлигини ваъда қилиб, [REDACTED] дан Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасида 78.183.281 сўмга тенг бўлган 9375 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, унга ваъда қилган уйни олиб бермасдан, алдов йўли билан қўлга киритган пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судланувчи [REDACTED] нинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги, айбига тўлиқ иқдор бўлиб, ўзининг кўрсатмасида, 2016 йилда Самарқанд шаҳар Сартеппо масканидаги ғишт заводни ижарага олиб ишлатганлигини, шу вақтда, кўп қаватли уйларни қурилиши билан шуғулланиб келаётган қурувчиларга заводда ишлаб чиқарилган ғиштларни етказиб бериб, биргаликда ишлаганлигини, улар унга пул кўчириб, баъзи холларда пул ўрнига кўп қаватли уйлардан



беришиб турганликларини, шу вақтларда, яъни 2016 йил ёз фаслида, Самарқанд шаҳар Сартеппо масканида яшовчи Хоринова Малохат билан танишганлигини, у узини Сартеппо масканида ижарада яшаб келаётганлиги, шу атрофдан кўп қаватли уйдан сотиб олмоқчи эканлиги, нақд пули борлигини айтганлигини, унга нақд пули бўлса, ғишт ишлаб чиқарадиган [REDACTED] борлиги, ушбу заводда ишлаб чиқарилган ғиштларни кўп [REDACTED] PDF [REDACTED] аргга етказиб беришини, қурувчилар унга пул кўчириб бериш [REDACTED] баъзи вақтларда пул ўрнига кўп қаватли уйлардан беришларини, агар хоҳласа, шу янги қурилган кўп қаватли уйлардан бирини олиб бериши мумкинлигини ва пулларини унга нақд шаклда беришини айтганлигини, [REDACTED] таклифига рози бўлганидан сўнг, таниши қурувчи [REDACTED] нинг олдига бориб, ғишт етказиб беришини, бунинг эвазига [REDACTED] га бир дона майдони 94.77 кв. метр бўлган уч хонали, бир дона майдони 45.23 кв. метр бўлган бир хонали уйларни шартнома асосида беришлигини айтган вақтида, [REDACTED] таклифига рози бўлиб, М.Хоринова билан шартнома тузганлигини, шартнома тузилганидан сўнг, М.Хориновадан жами 6.500 АҚШ долларни бўлиб-бўлиб олганлигини, 2017 йил февраль ойида сурункали ёмғир ёғиши натижасида заводни сув босиб, иш тўхтаб қолганлиги сабабли, [REDACTED] га ғишт етказиб бера олмаганлиги ва у М.Хоринова билан шартнома тузиб бериши лозим бўлган икки дона уйни бошқа шахсларга сотиб юборилганлигини, сўнг, [REDACTED] га бошқа қурувчидан уй олиб беришни ваъда қилганлигини, уни таниши Х.Маджидовни олдига олиб бориб, шартнома туздирганлигини, улар ўртасида тузилган шартномага кўра, бир дона бир хонали майдони 36 кв. метр уйни ва бир дона икки хонали майдони 68 кв. метр бўлган уйларни олишга келишганликларини, шу вақтда, ушбу икки дона уйни пулини ҳисоблаган вақтида баҳоси 322.400.000 сўмни ташкил қилганлигини, у юқоридаги суммадан 184.000.000 сўмини [REDACTED] а уй ваъда қилганлиги, унинг аёл кишилигини инobatга олиб, ушбу суммани ўзи тўлаб беришига, М.Хоринова эса ўзи қолган 138.000.000 сўмни беришга келишиб олганликларини, бу тўғрисида Х.Маджидовга ҳам айтганлигини, орадан вақт ўтиб, ишлари яхши юришмаганлиги сабабли, [REDACTED] га ваъда қилган ва Х.Маджидовга бериши лозим бўлган уй учун 184.000.000 сўм пулни бера олмаганлигини, И.Маджидов эса [REDACTED] дан уй учун 100.000.000 сўм миқдоридаги пулларни олиб, ушбу пул эвазига унга бир хонали уйни берганлигини, бироқ [REDACTED] га берилиши лозим бўлган икки хонали уйни 2020 йил ёз ойларида, пули берилмаганлиги сабабли, бошқа шахсларга сотиб юборганлигини, 2020 йил июль ойида турмуш ўртоғи [REDACTED] “Ковид-19” касаллигига чалинганлиги сабабли, уни ушбу инфекциядан зарарланганлар шифохонасида даволатганлигини, айнан шу вақтда, шифохонада ишловчи [REDACTED] билан танишганлигини, унга



ғишт заводим борлиги, агар бирор-бир хизмат бўлса айтиши мумкинлигини айтганлигини, орадан вақт ўтиб, яъни 2020 йил 7 август куни [REDACTED] кўнғироқ қилиб, бирор-бир квартира харид қилмоқчи эканлигини айтиб берган сўраганлигини, [REDACTED] га уй қурувчиларига ғишт етказиб беришлигини, кўп ҳолларда улар унга ғишларнинг пулларини ўз вақтида бермасдан, [REDACTED] эвазига квартира билан тўлашлигини айтиб, агар шунда к [REDACTED] а чиқиб қолса хабар беришини айтганлигини, 2020 йил 8 август к [REDACTED] нинг ишхонасига бориб, унга квартира учун олдиндан бирор нима беришини айтиб, квартира учун ундан 2.500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни тилхат ёзиб берган ҳолда олганлигини, [REDACTED] га битта сотиладиган квартирани кўрсатган вақтида, унга ушбу квартира ёқмаганлигини, шу вақтларда тижорат ишлари, жумладан ғишт заводи фаолияти яхши юришмай турганлигини, шу сабабли, [REDACTED] дан қарзга пул сўраганлигини ва унга қарз бериб турса, олиб берадиган квартирани пулларини ундан олган пуллари билан ҳисоб-китобини қилишини айтганлигини, у рози бўлгандан сўнг, уйдан яна 2.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб чиқиб берганлигини, қарз олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб берганлигини, бироқ олган 2.000 АҚШ долларини адашиб, 3.000 АҚШ доллари деб кўрсатиб тилхат ёзиб берганлигини, орадан вақт ўтиб, [REDACTED] кўнғироқ қилиб, 2.000 АҚШ доллари ўрнига адашиб 3.000 АҚШ доллари кўрсатганлигини, бориб тилхатни тўғирлаб келиши мумкинлигини айтган бўлса-да, вақти бўлмаганлиги учун тилхатни ўзгартира олмаганлигини, шу вақтда, [REDACTED] га яна бир нечта квартираларни кўрсатганлигини, лекин ушбу квартиралар ҳам унга маъқул бўлмаганлигини, 2020 йил сентябрь ойининг охирида яна пул керак бўлганлиги сабабли, [REDACTED] дан қарзга пул сўраб, 4.000.000 сўм миқдоридаги пулларни олганлигини, кўп вақт ўтмай, [REDACTED] “Ковид-19” касаллигига чалиниб, соғлиги ёмонлашганлиги сабабли, [REDACTED] билан учраша олмаганлигини, унинг кўнғироқларига жавоб бера олмаганлигини, унга квартира ҳам топиб бера олмаганлигини, акаси [REDACTED] нинг вафотидан сўнг, ўзи ҳам вирус билан касалланиб, ўзим ҳам ётиб қолганлигини, шу вақтларда [REDACTED] кўнғироқ қилиб, харид қилиш учун ўзи квартира топганлигини айтиб, унга берган пулларини қайтариб беришни сўраганлигини, унга “Ковид-19” касаллигига чалинганлигини, ҳозирда моддий томондан қийналиб турганлигини айтиб, захирада уй-жойи борлиги, ушбу уй жойни сотиб, ундан олган пулларини қайтариб беришини айтганлигини, бироқ, М.Буриев унга нисбатан ИИО ходимларига ариза билан мурожаат қилганлигини, бундан ташқари, [REDACTED] дан 13.500 АҚШ доллари, [REDACTED] дан 120.000.000 сўм ва [REDACTED] дан 9375 АҚШ доллари миқдорда пул олганлигини, уларга ҳам уй олиб бераман деб пул олганлигини, лекин тижорати



ўхшамаганлиги сабабли пулларини ва уй жойни олиб беролмаганлигини, қилмишидан пушаймон эканлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб баён қилиб берган кўрсатуви;

Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark

-жабрланувчи [redacted]нинг суддаги, у бир неча йилдан буён Самарқанд шаҳар Сертеппо масканида ижарада истиқомат қилиб келишини, тўрт наф [redacted]занди борлигини, РФга бориб ишлаб, топган пулини тўплаб, 201 [redacted] уй олиш мақсадида юрган вақтида, [redacted] билан таниш [redacted]ганлигини, у ўзининг ғишт ишлаб чиқарадиган заводи борлиги, ушбу заводда ишлаб чиқарилган ғиштларни кўп қаватли уй қурадиган фирмаларга етказиб беришини, улар эса унга пул кўчириб беришлиги, баъзи вақтларда эса кўп қаватли уйлардан бирини беришлигини айтиб, уй керак бўлса олиб беришини ва бунга нақд пулларни бериши кераклигини айтганлигини, [redacted]нинг гапларига ишониб, таклифига рози бўлганлигини, сўнг [redacted] унга ўзининг кўп қаватли уй қурадиган [redacted] исмли таниши билан кўриштириб, у қураётган кўп қаватли уйлардан олиб беришини ваъда қилганлигини, [redacted] унга пулларни банк муассасаси орқали тўлов қилишни сўраганлигини, 2017 йил 21 январь куни Самарқанд шаҳрида жойлашган “Hamkor bank” офисида [redacted]нинг ҳисоб рақамига 48.300.000 сўм миқдоридagi пулларни тўлов қилганлигини, сўнг [redacted] унга банк орқали тўлов қилса, улар ундан фоиз олаётганлиги, шунинг учун агар унга ишонса қолган пулларни қўлига берса яхши бўлишини айтганлигини, унинг гапларига ишониб, қолган пулларни бўлиб-бўлиб, [redacted]нинг қўлига 2017 йил давомида бериб келганлигини, [redacted] ўзининг шахсий дафтарчасига ундан олган пулларни ёзиб борганлигини, 2017 йил яна ишлаш мақсадида РФга кетганлигини, ўша ердан [redacted] номига икки маротаба пул юборганлигини, сўнг [redacted] телефон қилиб, унга [redacted] пул бермаганлиги ва уйларни бошқа шахсга сотаётганлигини айтганлигини, 2018 йил 31 август куни РФдан қайтиб келганлиги ва [redacted] билан учрашиб, уни алдаганлигини айтган вақтида, шунда у турли хил баҳоналарни важ қилиб, хавотир олмаслигини, яна бошқа таниши борлигини, таниши билан гаплашиб, унга уй олиб беришини айтиб ишонтирганлигини, сўнг [redacted] ўзининг [redacted] исмли танишининг олдига бориб, унга ушбу танишидан бир дона бир хонали ва бир дона икки хонали уй олиб беришини айтганлигини, ушбу икки дона уйни пулини [redacted] билан ҳисоблаган вақтида 1 та 68 кв. 1 та 36 кв.ли 1 хонали уйнинг пули жами 322.400.000 сўм бўлишини айтганлигини, шунда [redacted] унга ушбу уйнинг пулини 138.000.000 сўм пулини ўзи беришини, қолган 184.000.000 сўмини ундан олган пуллар ҳисобига [redacted] ўзи беришини айтганлигини, шундан сўнг, [redacted] унга 184.000.000 сўм бериши тўғрисида кафолат хатини ёзиб берганлигини, [redacted] уни анчадан буён алдаб



келаётганини, берган пулларини сўраса, у турли хил баҳоналарни важ қилиб уйни ҳам олиб бермасдан ундан олган жами 184.000.000 сўм пулларини қайтариб бермаганлигини, кейинчалик [REDACTED] уйга тўлов қилиш пулларини бера бошлаганлигини, у пулларни бошида ўзи кейин эса ёнидаги ёрдамчилари олиб келганлигини, охириги маротаба 2019 йил [REDACTED] пул олиб берганда, у пулларини олмаслигини, қачон [REDACTED] пул берса кейин [REDACTED] айтганлигини, бу тўғрисида [REDACTED] нинг олдига бориб, унга [REDACTED] пулларини нима сабабдан шу вақтга қадар [REDACTED] га бермаганлиги, [REDACTED] ундан пул олмаслигини айтаётганлигини яна уйсиз қолишим мумкинлигини айтган вақтида, [REDACTED] уй уники бўлишини айтиб, уни ўзининг алдовларига ишонтириб келганлигини, шу сабабли [REDACTED] нинг устида ариза ёзиб берганлигини, ҳозирги вақтда 184.000.000 сўм пуллардан судланувчи [REDACTED] нинг фойдасига воз кечишлигини, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён қилиб берган кўрсатуви;

-жабрланувчи [REDACTED] нинг суддаги, у 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар, [REDACTED] врач бўлиб ишлаб келишини, 2020 йил август ойида [REDACTED] нинг турмуш ўртоғи [REDACTED] “Ковид-19” касаллигига чалинганлиги сабабли, уни Самарқанд шаҳар Кимёгарлар кўрғонида жойлашган минтақалараро [REDACTED] да даволаганлигини, шу вақтда [REDACTED] билан танишганлигини, у унга ғишт заводи борлиги, агар бирор-бир хизмат бўлса, жумладан биринчи тўловини амалга оширса, уй ҳам олиб беришга қурби етишлигини айтганлигини, ўша вақтларда Самарқанд шаҳри худудидан уй харид қилмоқчи бўлиб юрганлиги сабабли, дарҳол унга уй олиб бера олиши мумкинлиги тўғрисида сўраб, агар унга уй олиб берса, уйнинг пулини бўлиб-бўлиб тўлашини айтганидан сўнг [REDACTED] уй олиб беришини ваъда қилганлигини, бир кун вақт ўтиб, [REDACTED] кўнғироқ қилиб, уй топганлигини айта бошлаганлигини, 2020 йил 7 август куни [REDACTED] кўнғироқ қилиб, Самарқанд шаҳрида жойлашган “СамКочАвто” заводи томондан 3 хонали уй топганлиги, ушбу уй 132 кв. метрни ташкил қилиб, ҳар бир кв. метрини 4.800.000 сўмдан эканлигини айтиб, уйнинг видео кўринишини ижтимоий тармоқнинг “Телеграм” месенджири орқали ташлаб берганлигини, ҳисоб-китоби бўйича уй унга қимматлик қилганлиги, бу ҳақда [REDACTED] айтганида, у бошқа уй топиб беришини айтганлигини, 2020 йил 8 август куни, [REDACTED] олдига келиб, уй қидираётганлигини айтиб, бошидан унга пул бериши кераклигини айтганлигини, ёнида кўп миқдорда пул йўқлиги боис, уйдан 2.500 АҚШ доллари олиб келиб, тушлик вақтидан кейин [REDACTED] берганлигини ва ундан тилхат ёздириб олганлигини, 2020 йил 14 август куни клиникадаги фаолияти тугаб, уйига кетганлигини,

Ҳужжат имзоланган: Раупов Жонибек Муродкулович, 14.09.2021



икки кун вақт ўтиб, 2020 йил 16 август куни [REDACTED] кўнғироқ қилиб, биргаликда тушлик қилишликни таклиф қилганлигини, у билан Самарқанд шаҳар "Икром-шашлик" ошхонаси жойлашган кўчадаги сомсахонада учрашганликларини, [REDACTED] қарз бериб туришини, унга олиб берадиган квартирани пулларини ундан олган пуллари билан ҳисоб-китобини қилишини, [REDACTED] юришмаганлиги сабабли қийналиб қолганлиги, унга пул керак [REDACTED] айтиб қарзга пул сўраганлигини, у билан муносабатлари дўстоналиги учун қарзга пул беришга рози бўлганлигини ва уйдан 2.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни берганлигини, у олган сўнгги 2.000 АҚШ долларини адашиб, 3.000 АҚШ доллари деб кўрсатиб тилхат ёзиб берганлигини, 2020 йил сентябрь ойининг охирларида [REDACTED] яна қарзга пул сўраб, 4.000.000 сўм миқдоридagi пулларини олганлигини, 4.000.000 сўм учун ундан тилхат олмаганлигини, унга бир неча маротаба кўнғироқ қилиб, уй топиб бермаётганлигини айтганида, унга Самарқанд шаҳар Мотрид кўрғонидаги янги уйлاردан топиб беришлигини ваъда қилганлигини, [REDACTED] 2020 йил октябрь ойининг бошларидан бошлаб, унинг кўнғироқларига жавоб бермай кўйганлигини, уни қидириб, бир неча маротаба яшаш уйига ҳам борганлигини, 2020 йил 25 декабрь куни [REDACTED] билан гаплашган вақтида, унга уй керак эмаслигини, олган пулларини қайтаришини сўраганлигини, у 1-2 кун ичида пулларни қайтариб беришини ваъда қилган бўлса-да, олган жами 4.500 АҚШ доллари ва 4.000.000 сўм пулларини қайтариб бермаганлигини, шу сабабли ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини, шу сабабли [REDACTED] 4500 АҚШ доллари ва 4.000.000 сўмлик миқдордаги моддий зарарни ундириб беришликни баён қилиб берган кўрсатуви;

-жабрланувчи [REDACTED] нинг суддаги, 2017 йил июль ойида қудалари, Парманова Зухрабону ва Парманов Тохир билан фарзандларига уч хонали уй олиб беришга келишганликларини, уларга харид қилмоқчи бўлган уйининг ярим нархини тўлашга рози бўлганлигини, шунда қудаси [REDACTED] унга [REDACTED] билан таништириб, ундан уй харид қилмоқчи бўлганлигини айтганлигини, шу вақтда [REDACTED] ғишт заводи бўлиб, у Самарқанд шаҳри ҳудудида қурилаётган кўп қаватли уйлارга ғишт етказиб бериш билан шуғулланиб келганлигини, турмуш ўртоғи [REDACTED] билан ҳам [REDACTED] билан учрашган вақтида, у 232.000.000 сўмга Самарқанд шаҳри Нарпай кўчаси "ДСК" бозори олдидаги янги қурилаётган кўп қаватли уйлاردан бирини кўрсатиб, ушбу уйнинг уч хонали хонадонлардан бирини олиб беришини ваъда қилганлигини, у билан уч йил муддатга пулини бўлиб-бўлиб бериш шарти билан хонадонни харид қилишга келишганликларини, [REDACTED] нинг режаси бўйича, у қурувчига ғишт етказиб бериши керак бўлиб, қурувчи эса уларга қураётган уйдан хонадон ажратиб бериши лозим бўлганлигини,



шу вақтда, [REDACTED] исмли қурувчи билан таништирганлигини [REDACTED] билан 2017 йил июнь ойида бир донга уч хонали уйга шартнома тузганликларини, шу вақтда бошлаб, 2018 йил апрель ойига қадар ҳар ой икки мартабадан, уша вақтда жами 126.000.000 сўмга тенг бўлган 15.500 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни нақд шаклда [REDACTED] талаб берганлигини, шунингдек 6.500 АҚШ доллари миқдордаги [REDACTED] пулларни қудаси [REDACTED] ҳам [REDACTED] келини [REDACTED] тўлаб берганлигини, бундан ташқари, 2017 йил август ойида [REDACTED]нинг уларга уй олиб беришига ишониб, у билан кичик ўғлига ҳам уй олиб беришга келишиб, И.Ниёзовнинг қўлига, ўша вақтда жами 24.000.000 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни нақд шаклда берганликларини, аммо кичик ўғли [REDACTED] олмоқчи бўлган уйига ҳеч ким билан шартнома тузмаганликларини, [REDACTED] кейинчалик, ўзининг ғишт заводи билан ўғли С [REDACTED] ўртасида тузилган шартномани олиб келиб берганлигини, шунингдек, қудаси [REDACTED] ҳам ўзининг катта фарзанди [REDACTED] учун ҳам [REDACTED] билан келишиб, унга ҳам уй харид қилиш мақсадида, [REDACTED] пул берганлигини, унинг [REDACTED] берган пулларини аниқ миқдорини билмаслигини, 2018 йил апрель ойида, [REDACTED] алдаб келаётганлигини билганидан сўнг, унга пулларни тўлов қилишни тўхтатганликларини, ундан уйларни ёки унга берган пулларини қайтаришлигини талаб қилганликларини, бироқ фақатгина 400 АҚШ долларини қоплаб берганлигини, шу сабабли қолган 18.100 АҚШ доллари миқдордаги моддий зарарни ундириб беришни баён қилиб берган кўрсатуви;

-жабрланувчи [REDACTED]нинг суддаги, у қизи [REDACTED] турумшга берганлигини, 2017 йилда июль ойида қудалари, [REDACTED] билан фарзандларига уч хонали уй олиб беришга келишганликларини, бундан ташқари катта фарзандига ҳам уй харид қилмоқчи бўлиб, Самарқанд шаҳрида жойлашган уйини ҳам сотганлигини, 2017 йил 7 июль куни, қариндоши [REDACTED] орқали [REDACTED] билан танишганлигини, улар уни уйига келишганлиги ва [REDACTED] унга ўзини ғишт заводи борлиги, у Самарқанд шаҳри ҳудудида қурилаётган янги кўп қаватли уйларга ғишт етказиб беришлиги, уй қурувчилари эса унга ғиштларнинг пули ўрнига қурилаётган уйлардан хонадон бериб ҳисоб-китоб қилишлигини айтганлигини, шунингдек, унинг укаси [REDACTED] ҳам Самарқанд шаҳрида кўп қаватли уй қураётганлигини айтганлигини, [REDACTED] дан ундан уй олса, унга нима енгиллик қилиб беришини сўраганлигини, у ҳамма жойда кв. метри 2.900.000 сўмдан эканлиги, ўзига кв. метрини 2.400.000 сўмдан қилиб беришини айтганлигини, [REDACTED] қурувчи



укаси [REDACTED] билан кўришиб, ҳаммалари биргаликда юзма-юз гаплашиш кераклигини айтганлигини, 2017 йил 8 июль куни, турмуш ўртоғи [REDACTED] билан биргаликда (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) Самарқанд шаҳрида жойлашган собиқ “Запчаст бозори” олдидаги офисига борганликларини, офисда [REDACTED] укаси [REDACTED] ва [REDACTED]нинг дўсти [REDACTED]ни таништирганлигини, шунда [REDACTED] “ [REDACTED] ака мени акам бўлади, ҳозир пулингиз бўлса уй [REDACTED] бошланғич тўловни тўланг, қолган пулларни [REDACTED] акамга берасиз, у киши ғишт заводини тиклаб, бизга тезроқ ғишт етказиб берса, уй шунча тез тайёр бўлади” деб айтганлигини, шу ерда [REDACTED] пул сўрганлигини, у шу тарзда [REDACTED] заводни тиклаш учун ёрдам бераётганлигини билганлигини, сўнг [REDACTED] билан қурилаётган уйнинг лойиҳаси бўйича гаплашиб, уйдан хонадонни танлаганлигини, у исм-фамилияни ёзиб олгандан сўнг, шу вақтнинг ўзида, ўғли [REDACTED]га у 6.500 АҚШ долларини берганлигини, ўғли мазкур суммани икки дона хонадон учун уч йил давомида, пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан кассага бошланғич тўлов сифатида тўлаганлигини, сўнг, ўғли ва қизи учун икки дона хонадонга шартнома тузганлигини, лекин нимагадир шартномага [REDACTED] имзо қўйганлигини, кейинчалик билишича, МЧЖнинг раҳбари У.Нодиров бўлганлигини, сўнг [REDACTED] унга Самарқанд шаҳри Нарпай кўчаси “ДСК” бозори олдидаги янги қурилаётган кўп қаватли уйни олиб бориб кўрсатганлигини, орадан бир ҳафта вақт ўтиб, [REDACTED] уйига келиб, завод учун пул керак бўлаётганлигини айтиб, ундан бир ойда қайтариб беришлигини айтиб қасам ичиб пул сўраганлигини, унга пули борлигини айтиб, бир ойда қайтариб беришлиги, агар қайтара олмаса, харид қилаётган уйининг нархига қўшишлигига келишиб, унга 7.000 АҚШ долларини қарзга бериб юборганлигини, 10 кун вақт ўтиб, қизиқиб [REDACTED] ғишт заводига ишлаб, унга ёрдам бериш мақсадида борганлигини, заводда ҳеч қандай ойлик маошсиз етти ой давомида ишлаганлигини, аммо шу вақтда [REDACTED] билан укаси [REDACTED] ўзаро келишмай қолишганлигини, натижада [REDACTED] чиқарилган ғиштларни харид қилмай қўйганлигини, кейинчалик билишича [REDACTED]нинг акаси эмас, узоқ қариндоши бўлиб чиққанлигини, 2018 йил апрель ойида, [REDACTED] алдаб келаётганлигини билганидан сўнг, унга пулларни тўлов қилишни тўхтатганлигини, ундан уйларни ёки унга берган пулларни қайтаришни талаб қилганлигини, иккита хонадон учун [REDACTED] бўлиб-бўлиб жами 13.500 АҚШ долларини берганлигини, [REDACTED] 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб қайтариб берган бўлса-да, бироқ қолган пулларини қайтариб бермаганлигини, шу сабабли ариза билан мурожаат қилишга мажбур



бўлганлигини, ундан қолган 13.000 АҚШ доллари миқдордаги моддий зарарни ундириб беришни баён қилиб берган кўрсатуви;

-жабрланувчи [redacted] нинг суддаги,

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

орқали танишганлигини, [redacted] холасининг турмуш ўртоғи томонидан узоқроқ қариндоши бўлиб, 2017 йилда турмуш ўртоғи билан Самарқанд шаҳар ҳудудидан олмоқчи бўлиб юрганлигини, ушбу тўғрисида холаси [redacted] нинг хабари бўлганлигини, бир куни холаси [redacted] у уй олмоқчи бўлаётганлиги сабабли [redacted] ни олиб келганлигини, у Самарқанд шаҳрида барча курувчиларни танишлиги, ўзи қурилиш объектларига пишиқ ғишт етказиб бериш билан шуғулланишлигини айтганлигини, сўнг ҳақиқатдан ҳам уй сотиб олмоқчи бўлиб юрганлигини айтиб, олдин турмуш ўртоғи [redacted] билан маслаҳатлашиб кўришини айтганлигини, улар кетишганидан кейин, Корея Республикасида бўлган турмуш ўртоғига кўнғироқ қилганлиги ва ушбу тўғрисида айтганлигини, турмуш ўртоғи олдин [redacted] таклиф қилаётган Самарқанд шаҳар Рудакий кўчаси 175-уй-жойни кўриб келишини, маъқул келса кейин сотиб олишни айтганлигини, унга Самарқанд шаҳар собиқ темир бозор ҳудудидан қурилаётган мазкур кўп қаватли уйни 2-подъезд 5-қаватдаги умумий майдони 46.68 кв/метр бўлган бир хонали уй маъқул келганлигини, бу тўғрисида турмуш ўртоғи билан хабарлашганлигини, унга уй маъқул келганини айтганидан сўнг уйни сотиб олишларини айтганлигини, ушбу хонадонни [redacted] билан 12.700 АҚШ долларига сотиб олишга келишганликларини, 2017 йил 13 ноябрь куни ушбу уйни қураётган "Next Construction" МЧЖга холаси, [redacted] ва у биргаликда борганликларини, [redacted] билан холаси [redacted] иккаласи жамиятнинг биносига кириб кетганларини, ўзи эса ташқарида қолганлигини, улар МЧЖ билан ушбу уй жойни қурилишида шериклик қилиш тўғрисида 55/648-сонли шартномани олиб чиқишганликларини, ўша куни [redacted] ундан уй учун деб 4075 АҚШ доллари миқдорида пул олганлигини, сўнг 29.12.2017 йилда 1.500 АҚШ доллари, 06.07.2018 йилда 2.900 АҚШ доллари, 26.12.2018 йилда 900 АҚШ доллари жами бўлиб 9375 АҚШ доллари миқдорида пулларни олганлигини, бироқ [redacted] уйни бермасдан алдай бошлаганлигини, сўнг холаси билан биргаликда "Next Construction" МЧЖ раҳбари [redacted] ни олдиға борганлигини, у киши ҳақиқатдан ҳам [redacted] олдиға бир маротаба шартнома тузиш учун келганлигини, шундан сўнг эса умуман келмаганлигини, уй-жой учун ҳам тўлов қилмаганлигини айтганлигини, ҳозирда [redacted] уй-жой олиб бераман деб олган пулларини қайтармаганлигини, шу сабабли унга нисбатан қонуний чора кўриб етказилган зарарни ундириб беришни баён қилиб берган кўрсатуви;



-гувоҳ, [REDACTED]нинг суддаги, [REDACTED] мархум турмуш ўртоғи [REDACTED]нинг қариндоши эканлигини, [REDACTED] одамларга Самарқанд шаҳридан уй олиб бераётганлиги ҳақида эшитганлигини, [REDACTED] опасининг қизи эканлигини, 2017 йилда жияни [REDACTED] Самарқанд шаҳар худудидан бир хонали уй олиб бўлиб юрганлигини эшитганлигини, у билан кўришган вақтида, [REDACTED] тўғрисида айтганлигини, шунда унга [REDACTED] мархум [REDACTED] ўртоғини қариндоши борлиги, шу киши одамларга Самарқанд шаҳридан уй-жой олиб бериб юрганлиги ҳақида эшитганлиги, агар хоҳласа, у билан кўришиб гаплашишларини айтганлигини, орадан бир муддат вақт ўтганидан сўнг [REDACTED] билан кўришганлигини, уни жияни [REDACTED]нинг олдига олиб келганлигини, [REDACTED] пишиқ ғишт ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, янги қурилаётган кўп қаватли уйларнинг қурилишига ғишт етказиб беришлиги, ушбу уйни қураётган қурувчи компанияси эгалари эса бунинг эгасига қурилаётган уйдан квартира беришлиги тўғрисида айтганлигини, кейин жияни [REDACTED], [REDACTED] таклиф қилган Самарқанд шаҳар Рудакий кўчаси 175-уй-жойни 2-подъезд 5-қаватдаги умумий майдони 46.68 кв/метр бўлган бир хонали уйни кўриб келганлигини, ушбу уй жиянига маъқул келганини айтганидан сўнг, [REDACTED] билан уйни 12.700 АҚШ долларига сотиб олишга келишилганлигини, 2017 йил 13 ноябрь куни ушбу уйни қураётган "Next Construction" МЧЖга у, жияни [REDACTED] ва [REDACTED] билан биргаликда борганликларини, [REDACTED] ушбу жамият директори билан МЧЖ билан Самарқанд шаҳар Рудакий кўчаси 175-уй-жойни 2-подъезд 5-қаватдаги бир хонали уй жойни қурилишида шериклик қилиш тўғрисида 55/648-сонли шартномани олиб чиққанлигини, ўша куни [REDACTED] жияни [REDACTED]дан уй учун деб 4075 АҚШ доллари миқдорида пул олганлигини, шундан сўнг 29.12.2017 йилда 1.500 АҚШ доллари миқдорида пул олганлигини кўрганлигини, кейин эса [REDACTED] жиянидан яна бир неча маротаба жами бўлиб 9375 АҚШ доллари миқдорида пулларни олганлигини билганлигини, бироқ [REDACTED] жияни [REDACTED]ни алдаб, уйни олиб бермаганлиги ва пулларини ҳам қайтариб бермаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ, [REDACTED]нинг суддаги, [REDACTED] турмуш ўртоғи эканлигини, [REDACTED] қудаси эканлигини, 2017 йил июль ойида қудаси [REDACTED] ва унинг турмуш ўртоғи [REDACTED] билан фарзандларига уч хонали уй олиб беришга келишганлигини, шунда фарзандларига харид қилмоқчи бўлган уйнинг ярим нархини тўлашга рози бўлганликларини, қудаси таниш бўлмаган [REDACTED] билан таништирганлигини, унинг ўша вақтда Тайлоқ туманида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш заводи борлиги билганлигини, турмуш ўртоғи билан биргаликда [REDACTED]



билан учрашган вақтида, у Самарқанд шаҳар Нарпай кўчасида қурилаётган кўп қаватли уйлардан бирини кўрсатиб, ушбу уйнинг уч хонали хонадонлардан бирини 232.000.000 сўмга хонадон олиб беришини айтганлигини, ушбу хонадонни пулини уч йил муддатга бўлиб-бўлиб бериш шарти билан келишганликларини, [REDACTED]нинг режасига кўра, у мазкур уй-жойга кўраётган қурувчига пишиқ ғишт етказиб бериши керак бўлиб, қурувчи [REDACTED]га ушбу ғишт эвазига уларга ушбу уйдан хонадон ажратиб [REDACTED]га керак бўлганлигини, сўнг [REDACTED] мазкур кўп қаватли уйни қураётган қурувчи [REDACTED] билан таништирганлигини, у билан шартнома тузганликларини, сўнг [REDACTED] билан келишувга кўра, унга 2018 йил апрель ойига қадар бўлиб-бўлиб жами 15.500 АҚШ доллари миқдорида пул берганликларини, ушбу пулларни олганлиги тўғрисида [REDACTED] ғишт заводини муҳри урилган квитанция ёзиб берганлигини, шу орада 2017 йил август ойида [REDACTED]нинг уй олиб беришига ишониб, ўртанча ўғлига ҳам уй олиб бермоқчи бўлганлигини, сўнг [REDACTED] билан яна битта уч хонали уй олиб беришига келишганликларини, у ушбу уйни 292.000.000 сўмга олиб беришни айтганлигини, ушбу уйни ҳам ўша кўп қаватли уйнинг бешинчи қаватида олиб беришини айтганлигини, сўнг [REDACTED]га иккинчи уй учун қўлига нақд пул сифатида 3.000 АҚШ доллари миқдорида пул берганликларини, лекин у ушбу пулни олганлиги тўғрисида квитанция бермаганлигини, лекин тилхат ёзиб берганлигини, ушбу тўғрисида 01.12.2017 йилда тузилган шартномани олиб келиб берганлигини, 2018 йил апрель ойида [REDACTED] уларни алдаб келаётганлигини билганидан сўнг, ундан пулини қайтаришини талаб қилганликларини, шундан фақат 400 АҚШ долларини қайтариб берганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-шунингдек, судланувчи [REDACTED]нинг айби иш ҳужжатларида мавжуд бўлган ҳужжатлар билан, яъни жабрланувчиларнинг аризалари ва ушбу аризалар юзасидан тўпланган тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиғини топди.

Суд, судланувчи [REDACTED]нинг фирибгарлик, яъни хавfli рецидивист бўла туриб, олдиндан бир гуруҳ шахслар билан ўзаро жинойий тил бириктириб, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани такроран ўз хизмат мавқеидан фойдаланилган ҳолда қўлга киритишда ифодаланган жинойий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED]нинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарарни қисман



бартаф қилганлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг илгари қасддан жиноят содир этиб, қасддан янги жиноят содир этганлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тури белгилашда, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 26-бандидаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тариқасида одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади” деб қайд этилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, уни озодликдан маҳрум қилмасдан туриб, ахлоқан тузатиш мумкин эмас деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо белгилашликни, жазо миқдорини белгилашда айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарарни қисман қоплаганлиги, оилавий шароити ва шахсини ҳисобга олиб, бу ҳолатлар у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам қисмидан ҳам камроғини тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] илгари жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 11.09.2018 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбдор деб топилганлиги ва унга 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 09.12.2020 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 11 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганлиги ва ушбу жазони ўтамасдан туриб қасддан янги жиноят содир этганлиги сабабли, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 09.12.2020 йилдаги ажримини умумий сабабларга кўра бекор қилиб, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 11.09.2018 йилдаги ҳукми бўйича ўталмай қолган 11 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан суд томонидан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашликни ва жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашликни лозим топади.

Суд, мазкур жиноят иши юзасидан жабрланувчи [REDACTED] суд мажлиси муҳокамаси давомида жами 184.400.000 сўм миқдоридagi пуллардан судланувчи [REDACTED] фойдасига воз кечганлиги ва бу



тўғрисида ариза билан мурожаат қилганлигини эътироф этиб, унинг ушбу илтимосини қаноатлантириб, ишнинг шу қисмдаги даъво бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 282-моддасидан келиб чиқиб иш юритишни тугатишликни лозим топади.

Шунингдек, мазкур жиноят иши юзасидан судланувчи [REDACTED] жабрланувчи М.Буриевага 4500 [REDACTED] доллари ва 4.000.000 сўм, Г.Нарзиқуловага 18.500 АҚШ доллари, Т.Пармоновга 13.500 АҚШ доллари ва Д.Пирматовага 9.375 АҚШ доллари миқдорида моддий зарар етказилганлиги, шундан Г.Нарзиқуловага 400 АҚШ доллари, Т.Пармоновга 500 АҚШ доллари миқдордаги моддий зарарни қопланганлиги сабабли, М.Буриевага 4500 АҚШ доллари ва 4.000.000 сўм, Г.Нарзиқуловага 18.100 АҚШ доллари, Т.Пармоновга 13.000 АҚШ доллари ва Д.Пирматовага 9.375 АҚШ доллари ундириш лозим бўлади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.12.2016 йилдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчилик қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги № 26-сонли Қарорининг 10-бандидаги “Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкни ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиши лозим” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, суд ҳукм чиқариш кунида 1 АҚШ долларининг миқдори 10.640,60 сўмни ташкил қилишлигини эътиборга олиб, судланувчи [REDACTED] [REDACTED] дан жабрланувчи Буриев Мухаммад Ғайратовичнинг фойдасига 51.882.700 сўм, жабрланувчи Нарзиқулова Гулнора Сувоновнанинг фойдасига 192.594860 сўм, Парманов Тахир Жанхуразовичнинг фойдасига 138.327.800 сўм ва Пирматова Дилафруз Туйчиевнанинг фойдасига 99.755.625 сўм миқдордаги моддий зарар ундиришликни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади:

Ҳ У К М

Судланувчи [REDACTED] [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 7 (етти) йил 10 (ўн) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2020 йил 9 декабрь кунидаги [REDACTED] томонидан



ўталмай қолган 11 (ўн бир) ой 12 (ўн икки) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги ажрими бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 11.09.2018 йилдаги ҳукми бўйича ўталмай қолган 11 (ўн бир) ой 12 (ўн икки) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштириб ва тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил кесил 8 (саккиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин ва жазони ўташ муддати 2021 йил 3 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

_____га нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси ўзгаришсиз аслича қолдирилсин.

Судланувчи _____дан жабрланувчи Буриев Мухаммад Ғайратовичнинг фойдасига 51.882.700 сўм, жабрланувчи Нарзикулова Гулнора Сувоновнанинг фойдасига 192.594860 сўм, Парманов Тахир Жанхуразовичнинг фойдасига 138.327.800 сўм ва Пирматова Дилафруз Туйчиевнанинг фойдасига 99.755.625 сўм миқдордаги моддий зарар ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

Ж.М.Раупов

